

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ҚАХРАМОНЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ТАРГИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГАҲАМИЯТИ

Жалолиддин Зайнутдинович Джумабоев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли
катта ўқитувчиси, доцент, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11624352>

Аннотация. Уибу мақолада ўсib келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қаҳрамонлик руҳида тарбиялашда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти ва роли ҳақидаги фикрлар ёритилган.

Калим сўзлар: Ватанпарварлик, қаҳрамонлик, таълим-тарбия, жасорат дарслари, юрт қайғуси, тинчлик, миллий қадрият.

THE SIGNIFICANCE OF PROPAGANDA ACTIVITIES IN EDUCATING YOUTH IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM AND HEROISM

Abstract. This article discusses the importance and role of propaganda in educating the young generation in the spirit of patriotism and national heroism.

Key words: Patriotism, heroism, education, lessons of courage, national grief, peace, national value.

ЗНАЧЕНИЕ ПРОПАГАНДИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА И ГЕРОИЗМА

Аннотация. В данной статье подчеркивается значение и роль пропаганды в воспитании молодого поколения в духе патриотизма и национального героизма.

Ключевые слова: патриотизм, героизм, долг, воспитательная работа, уроки мужества, мир, национальные ценности.

Бугунги кун ёшларини чин маънодаги ватанпарвар инсон бўлиб шаклланишларида, уларда фидойилик ва қаҳрамонлик руҳини шакллантиришда оммавий тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти беқиёсdir. Талабаларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, тарбиянинг турли шакл ва услубларидан самарали ҳамда ўз навбатида илмий, назарий ва психологияк жиҳатдан тўғри ёндошиш, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Бундай масалани ҳал қилиш учун эса ўқитувчи ва мураббийлардан чуқур билим ва катта тажриба талаб қилинади. Бугунги кун талабасини ҳар томонлама ривожлантириш осон иш эмас албатта. Лекин уларни тарбиялаш масаласини, ватанпарварлик тарбиясининг турли шаклларини мақсадли қўллаш билан амалга ошириш мумкин. Бунинг учун ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳини шакллантиришда ватанпарварлик тарбиясининг синовдан ўтган қатор шакл ва услубларидан фойдаланиш зарур.

Тарбиянинг қуйидаги шакл ва услубларидан фойдаланиш тавсия этилади:

- Ватанпарварлик мавзусидаги маърузалар, сұхбатлар, ҳикоялар, мавзулаштирилган кечалар, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик мавзусидаги саёҳатлар, жасорат дарслари, ҳарбий-спорт мусобақалари, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги кинофильмлар намойиши, турли учрашувлар, “Шунқорлар ҳарбий спорт ўйинлари” ва бошқалар.

Ватанпарварлик тарбиясининг бундай ҳилма-хил ва кенг кўламли олиб бориш, ўқувчи ёшларнинг турли психологик қатламлари ва ёш гурухлари ўртасидага тафовут ва фарқланишларни бартараф қиласи, ҳамда тарбия жараёнида самарадорликни таъминлайди.

Масалан, қайсиdir бир ўқувчи китоб ўқишига, яна қайсинаси кинофильм томоша қилишига ва яна қайси бири, спорт ўйинлари ва мусобақаларга қизиқади. Бу табиий хол албатта, шунинг учун ватанпарварлик тарбиясида ҳамда қаҳрамонлик туйғусини шакллантиришда кенг тармоқли услублардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Ватанпарварлик тарбиясининг ҳар бир услуби ва шакли, талаба ёшларда ўзига хос тарбия жихатларини шакллантиради.

Масалан, жасорат дарслари энди шаклланиб келаётган, ҳаётда ўз идеалини излаётган талаба учун, айнан ушбу инсонга ўхшаш керак деган ижобий фикрни шакллантирса, спорт мусобақалари, уларда жамоа билан ҳамкорлик қилиш, ўз ўртоқларига ғамхўрлик қилиш, жамоа учун қайфуриш, жамоанинг ва ўзининг ор-номуси учун курашиш каби ҳислатларни шакллантиради.

Саёҳатлар давомида ўқувчилар аждодлар жасорати, уларнинг шонли ишлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўладилар. Бундан ташқари ўқувчилар билан ватанпарварлик мавзусида ёзилган бадий адабиётлар, китобларни оммавий ўқиши ва ушбу китоблар асосида назарий анжуманлар, китоблар муҳокамаси каби тадбириарни мунтазам ташкиллаштириб бориш, бир томондан ёшларда китоб ўқишига бўлган иштиёқни тарбияласа, иккинчи томондан бу китоблар орқали ҳалқимизнинг миллий эътиқоди, маънавий қадриятлари, бурч, ватанга муҳаббат, миллат келажаги, юрт манфаатини шахсий манфаатдан устун кўйиш каби ҳислатларни тарбиялаш билан бир қаторда бадий саводхонликни ҳам тарбиялади.

Шуни алоҳида эътироф этиб айтиш керакки, бугунги ёш авлоднинг маънавий эҳтиёжини, айтайлик, бундан 15-20 йил илгариги ёшлар билан солиштириб бўлмайди.

Бугун компьютер техникаси, уяли алоқа воситалари, ахборот узатишнинг мураккаб ва қулай усул ва воситалари ижтимоий –маънавий турмушимизга жадал кириб келди.

Бунинг оқибатида одамларнинг турмуш тарзидаги чуқур ижобий ўзгаришлар шунчалик шитоб билан содир бўлмоқдаки, бу эса ўз навбатида ёшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини кундан-кунга оширмоқда. Ана шундай шароитда табиийки, анъанавий кўринишдаги кутубхоналар замонавий талаб ва эҳтиёжларни қондиришдан орқада қола бошлади. Шу маънода замонавий ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши давр билан ҳамнафас ва қадамба-қадам қўйилган дадил одим дея баҳолаш ўринлидир.

Эндиликда ахборот-ресурс марказлари, илгаридек оддий китоб оладиган ва мутолаа қиласидиган маскан эмас, балки бу жой ёшларимиз учун интернет тармоғига уланган ҳолда жаҳон миқёсидаги янгилик ва маълумотлардан хабардор бўлиш, зарур маълумотлар узатиш, юбориш, кўпайтириш, нусхалаштириш каби муҳим маънавий эҳтиёжларини руёбга чиқариш учун кенг шароитлар муҳайё қилинган муборак жойдир.

Шундай экан, ахборот–ресурс марказларида замонавий компьютер техникаси воситалари қўйилган электрон ўқув заллари бўлиши шарт. Компьютерлар интернет тармоғига уланган, барча зарур адабиётларнинг электрон вариантлари уларнинг хотираларига жойлаштирилган бўлиши зарур. Ўқув адабиётларнинг электрон ишланма ёки

дарслик кўринишидаги замонавий авлоди билан ахборот-ресурс марказида яқиндан танишиш имкониятининг яратилиши ҳам ёш авлод тарбиясида фавқулодда катта аҳамият касб этади. Ёшлар тарбияси гўёки ёш ниҳолни экиб, авайлаб парвариш қилишга қиёслаш мумкин бўлган ҳолдир. Ёш ниҳолни эса оддийгина экиб қўйганинг билан бир оз вақт ўтгач ҳосилдор дараҳтга айланиб қолмайди. Худди шунингдек ёш авлод ҳам эртага муносиб ўринбосар бўлиши учун бугун уларнинг тарбияси диқкат эътиборда бўлиши лозим. Бунда, албатта, ахборот-ресурс марказлари ёшларимиз эҳтиёжлари ва талабларига тўлиқ жавоб берадиган, барча маълумотларни олиш имкониятлари яратилиб қўйилган тарбия ўчоғига айлантирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода, китобларни танлаб олиш ва оммавий ташвиқот қилиш ўқитувчи ва мураббийлардан алоҳида билим ва бадиий саводхонликни талааб қилишини унутмаслик керак. Демак, ўқитувчи ва мураббийнинг ўзи ҳам кенг кўламдаги китоблар муроноси билан шуғулланиши, билимларини мунтазам ошириб бориши зарур.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “ 2019 йилнинг 27 июнь «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида, «...Энг муҳими, соҳа ривожида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдигини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол қўришимиз мумкин».

Бугунги талаба ёшларнинг 80-90% дан кўпроғи телевиддения ва радиоэшиттиришларни мунтазам кўриб боришиларини эътиборга олинса, бу борада ҳалқимизнинг жасорати ва қаҳрамонликлари мадҳ этилган ватанпарварлик мазусидаги эшиттириш ва қўрсатувлар ҳамда бадиий фильмларларнинг қанчалик аҳамияти катта эканлигини қўришимиз мумкин. Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам бериб борилаётгандан ватанпарварлик мавзусидаги кино ва видеофильмларнинг аудитория кўлами ва таъсирчанлиги катта бўлганлиги сабабли қисқа муддатда юқори натижаларга эришиш имкониятини беради. Буни бир қатор хориж ва ҳамдўстлик мамлакатлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ватанпарварлик мавзусидаги фильмларни сон ва сифат жихатидан кўпайтириш ўзининг ижобий самарасини беради. Марказий ва ҳусусий телеканалларда кўпроқ ва тизимли равишда фильмлар намойшини йўлга қўйиш орқали майший мавзудаги енгил-елпи ва оммавий маданиятни тарғиб қилувчи турли қўрсатув ва кинофильмларни қисман чеклаш имкониятига эга бўлинади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики талаба ёшлар орасида Ватанпарварлик ва қаҳрамонлик туйғуларини янада кучайтириш, уларда миллий армиямиз учун, эртанги кун ватан ҳимоячилари учун зарур бўлган аҳлоқий-руҳий сифатларни камол топтириш орқали эришиш мумкин. Демак, талаба ёшларнинг Ватанпарварлик ва қаҳрамонлик тарбияси ҳар томонлама ва кўп қиррали ташкилланганидагина ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ҳозир кўп инсонлар, айниқса, ёшлар уйда ҳам, йўлда ҳам ва, ҳатто, иш ва ўқища ҳам бутун фикру зикрини телефонга қаратган. Бу ҳозирги кунда инсониятга хавф солаётган глобал муаммога айланди. Халқаро муносабатларда

“ахборот уруши”, “ахборот хуружи”, “ахборот босими” каби хатти-харакатлар кучаяётгани сабабли, талаба ёшларни бундай таҳдидлардан ҳимоялаш бўйича аниқ мақсадли ишлар қилишни даврни ўзи талаб этмоқда. Шу мақсадда ахборот ресурс марказларини кузата туриб, интернетдаги иллатлардан ёш авлодни ҳимоя қилиш ота-она ва таълим муассасалари ходимларидан катта масъулият талаб этади. Афсуски, кўп ёшлар Ислом никоби остида олиб борилаётган бузгунчи харакатларнинг қурбони бўлиб, дин душманлари қуролига айланиб қолмоқда. Улар нозик чегара чизигини англамай, шундай тарғиботларга учиб, ўз дини, диндошлари, халқи ва ўзи туғилиб ўсган Ватанига қарши исён қилишгача бориб этмоқда.

Бунда террорчилар ўзларининг жойлардаги ҳамтовоқлари билан интернет орқали террорчи харакатларини режалаштиради ва уларнинг виртуал тўдабошиси масофадан туриб ушбу ҳаракатларни бошқаради. Бу каби иллатларни масалан, “Odnoklassniki” номли кинофильмда ёки интернетдаги ҳар хил касб ва тил ўрганишга оид жозибадор кўринишларга эга сайпларда ҳам кўриш мумкин, бунга, албатта, эҳтиёт бўлишимиз шарт.

Хозир интернетда тарқатилаётган маълумотларнинг ранг-баранглиги ва кўплигидан уларнинг қай бири тўғри-ю, қай бири нотўғри эканини ажратиб олиш қийин. Тармоқда миллий менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни – экстремизм, терроризм, шовинизм, фаҳш, гиёҳвандлик ва зўравонлик каби иллатларни ёшлар қалби ва онига сингдиришга уринаётганлар ҳам оз эмас.

Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “...ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”. Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланганда унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор. Зоро, хушёрлик – инсонни муваффақиятга элтувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Бугунги кунда ёшларда ватанпарварлик ва қаҳрамонлик тарбияси самарадорлигини янги сифат босқичига кўтариш устивор масала ҳисобланади ва уларнинг ижросини таъминлаш қўйидагиларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

- ўрта-маҳсус ва олий таълим тизимининг барча босқичларида фанларни ўқитиши кетма-кетлиги ва узлуксизлигини таъминловчи ягона Концепцияни яратиш;

- ўқитиши ва тарбияни уйғун олиб бориш, ёш кадрларни нафақат билимли, балки, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етук шахс сифатида вояга етказиш бўйича таъсиричан педагогик чораларни белгилаш, таълим муассасаси фаолиятига улардаги ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасидан келиб чиқсан ҳолда баҳо бериш, бунинг учун билим даражасини белгиловчиянги мезонларни ишлаб чиқиб ва амалиётга жорий этиш;

- ёшларни диний-экстремистик ғоялар, турли ахборот ҳуружлари таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда ватанпарварлик, ўз касбига ва юргатга садоқат, унинг тақдирига дахлдорлик туйғуларини тарбиялаш;

- ўрта-маҳсус ва олий таълим муассасаларида соғлом ижодий муҳитни яратиш, таълим ва тарбия жараёнига илғор инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини

жорий этиш орқали ўқитиш сифатини янги босқичга қўтариш, талабаларнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятиларини ривожлантириш;

- ўқитиш жараёнида турли шакл ва услубларидан кенг фойдаланган ҳолда машғулотлар самарадорлигини ошириш;

- иктидорли талабарни раҳбарий қобилияти ва истеъодини аниқлаш, тарбиялаш, тўлақонли рўёбга чиқаришнинг ягона умумармиявий тизимини шакллантириш, ўқувтарбия жараёнини индивидуаллаштириш, табақалаштириш ва ихтисослаштиришнинг илмий асосларини яратиш;

- ўқув режаларидаги турдош фанларни интеграциялаш орқали ўқув юкламалари кўлами ва ҳажмини оптималлаштириш;

- ўрта-махсус ва олий таълим битиравчиларини якуний аттестациядан ўтказиш ва кейинги босқичига қобилиятига мос тарзда самарали жалб қилишнинг ягона механизмини ишлаб чиқиш;

- таълим муассасаларида виртуал ўқув-лаборатория, замонавий ахборот коммуникация, электрон-техник ва масофадан ўқитиш имкониятларини кенгайтириш, дарслик, қўлланма ва ўқув фильмларининг электрон турларини яратиш ва улардан ўқутарбия жараёнида самарали фойдаланиш;

- чоп этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мазмуни, дизайни, матбаа сифатини янада яхшилаш;

- талабаларда соғлом турмуш тарзи ҳамда фаол ҳаётий кўнилмаларни шакллантириш, уларнинг тиббий, экологик, хуқукий маданиятини юксалтиришга қаратилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

- ахборот ресурс марказлари ва кутубхоналарда, компьютер дастурларида, таълим муассасалари худудида тарғибот-ташвиқот ишларини қўпайтириш;

- ўрта-махсус ва олий таълим муасассалари педагог ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларини малакали ва ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар билан тўлиқ таъминлаш чораларини белгилаш;

- таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини бевосита тегишли йўналишдаги корхона ва ташкилотларда ташкил қилиш;

- педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, педагогик диагностика, инсон шахсига индивидуал ёндашишга доир тадқиқотларга кенг йўл очиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтириб ўтилган вазифаларнинг бажарилиши шубҳасиз тарзда ўрта-махсус ва олий таълим билим юртлари самарадорлигини оширишга, уларда тайёрланаётган ёш кадрларнинг малакаси юқори бўлишига хизмат қиласди.

REFERENCES

1. Э.Юсупов “Маънавият мезонларига янгича ёндашув, “Ўзбекистон овози” 1995.
2. Н.Ортиқов “Ёш авлодни муқаддас ғоялар руҳида тарбиялаш бўйича тавсиялар” Т.: 1995.
3. Ш.Жабборов “Маънавиятнинг фалсафий кирралари” Т.: маърифат 1996.
4. Mansurjonovich, M. B., & Axadjonovich, Q. C. S. (2022). Bo’Lajak Harbiy Xizmatchilarda Kasbiy Moslashuvchanlikning Ijtimoiy-Psixologik Asoslari.Pedagogical Sciences And Teaching Methods,2(17), 176-179.
5. Ш.Тилаволдиев. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари фанидан маъruzalар матни.Фарғона. 2001-йил.